2016 ЙИЛ 9 АВГУСТ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 158 (13.221)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 25 O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ







ДИЛЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган тадбирнинг навбатдагиси Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Чилонзор ва Сергели тумани ҳокимликлари ҳамкорлигида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкиллаштирилди.



Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг миқёсдаги бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари, улуғ аждодларимиз номи қайта тикланган, миллий анъана ва меъморчилик услубида амалга оширилган улкан қурилиш ишлари, фан, таълим, маданият, санъат, иқтисод, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида тўхталиб ўтишди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар асрларга тенг. Бу давр ичида пойтахтимиз гўзал ва янада обод бўлиб, мегаполис шаҳарга айланди. Сергели, Чилонзор туманлари ҳам ҳар томонлама чирой очди. Хусусан, ўтган беш йил давомида Сергели туманида улкан қурилиш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Туманда кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда 332 та кичик корхона ва 2307 та микрофирмалар иш олиб боряпти. Аҳолининг бандлигини таъминлаш борасида биринчи ярим йилликда 3356 та янги иш ўрни яратилди. Чилонзор туманида ҳам кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Кўприклар қурилди, шоҳ кўчалар қайтадан таъмирланди. Чилонзор тумани спортчилари 2016 йилнинг 6 ойи давомида Болгария, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Бразилия, Россия, Хитой, Қозоғистон, Сингапур, Франция каби қатор хорижий давлатларда бўлиб ўтган мусобақаларда 21 та олтин, 68 та кумуш, 91 та бронза медали соҳиби бўлишди. Ўқувчилар халқаро фан олимпиадаларида фахрли ўринларни қўлга киритишди.

— Мана шу муқаддас тупроқда 25 йил олдин, боринги 25 кунлик эҳтиёжга яраша ун, дон қолган бўлса, 25 йилдан кейин 7 млн. тоннадан зиёд ғалла етиштирилди. Бугун ҳамма маҳсулотларни ўзимизда чиқаряпмиз, шунинг учун ҳам бу гўзал Ватан, бетакрор, бебаҳо Ватан, жонни фидо қилишга арзийдиган Ватан, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир.

Тадбирга маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, ёш оилалар ҳамда намунали оилалар, фаол хотин-қизлар, тадбиркорлар ва ёшлар таклиф этилди. Уларнинг энг илғорлари Сергели ва Чилонзор туманлари ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Шундай жаннатмонанд, обод ва гўзал юртда яшаётганимдан фахрланаман, — дейди Сергели туманидаги "Ёркин ҳаёт" маҳалласидан ташриф буюрган намунали оила соҳибаси Шоира Муҳамадиева. — Юртимиздаги, айниқса пойтахтимиздаги ўзгаришлардан қувонаман, бугунги байрамга оиламиз билан ташриф буюрдик, маҳалладошларим билан бирга байрам дастурини томоша қилиб катта таассуротларга эга бўлдим.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Сойибжон Ниёзов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Замира Суюнова, Собиржон Мўминов, хонандалар Умар Шамсиев, Гуласал Абдуллаева ижро этган қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Байрам тадбирида миллий либослар кўргазмаси намойиш этилди.

З.ШАРИФЖОНОВ
И.Исмоилов олган суратлар

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида тингловчиларнинг навбатдаги битирувига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси Р.Комилов, мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, Бош штаб бошлиғи Ш.Норматов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш жараёнида армиямизнинг ташкилий тузилиши ва жанговар таркиби, қўшинларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, қўмондонлик ва сержантлар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш устувор вазифалар сифатида белгиланганини таъкидлади. Қуролли Кучлар академияси ушбу мақсадларни амалга оширишда алоҳида ўрин тутади.

Академия зиммасига олий қўмондонлик ва бошқарув бўғини офицерларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда мудофаа қурилиши соҳасидаги илмий-амалий тадқиқот ва ишланмаларни мувофиқлаштириш, мамлакатимизда ҳарбий таълим сифатини юксалтириш бўйича катта масъулият юкланган.

Тадбирда академия битирувчиларига тантанали равишда диплом ва кўкрак нишонлари топширилди.

– Академияда нафақат ҳарбий санъат бўйича, балки геосиёсат ва психология соҳаларида ҳам ўз билимимни бойитдим, – дейди битирувчи, подполковник Муҳаммадали Султонов. – Бу ерда олган билим ва кўникмаларим хизмат давомида мураккаб вазифаларни самарали бажаришда қўл келади.

– Ўғлим Ватан ҳимоячиси экани билан фахрланаман, – дейди Навоий вилоятининг Хатирчи туманидан Раҳмат Равшанов. – Барча ота-оналар сингари мен ҳам ўғлим эришаётган ютуқлардан қувонаман, қалбим ғурурга тўлади.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедовнинг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси ҳақида"ги ахборотига оид парламент эшитуви бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ МУҲОФАЗАСИГА ОИД ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ

Тадбир "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган ваколатлар доирасида ташкил этилди.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида изчил ишлар олиб борилди, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб олинди ва амалга оширилмоқда. Бунда маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга, уларни қайта таъмирлаш-тиклаш ишларига, маданий мерос объектларини имкон қадар асл кўринишида сақлаб қолишни таъминлашга, уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ маданий мерос объектларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари мунтазам такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, тегишли қонунлар ва қонуности ҳужжатлари бу борадаги ишларда муҳим дастуруламал бўлаётир. Хусусан, "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Архив иши тўғрисида"ги, "Музейлар тўғрисида"ги қонунларда бу борадаги ишларни ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмлари аниқ белгилаб берилган.

Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция (Париж, 1972 йил 16 ноябрь), Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (Париж, 2003 йил 17 октябрь), Маданий бойликларнинг ноқонуний олиб кирилиши, олиб чиқилиши ҳамда уларга бўлган мулк ҳуқуқини бошқага ўтказишни тақиқлаш ва унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги конвенция (Париж, 1970 йил 14 ноябрь) ратификация қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига биноан ЮНЕСКО шафелигида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700 йиллиги, Хива, Бухоро ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда "Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги" мавзусида семинар ўтказилди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015-2016 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури доирасида ташкил этилган тадбирда касаба уюшмалари кенгашлари раислари, ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, саноат ва бошқа соҳалар бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар иштирок этди.

● Қашқадарё вилоятида ўтказилган "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" кўрик-танловининг вилоят босқичида 18-30 ёшли 140 ёш тадбиркор истиқболли лойиҳалари билан қатнашди. Сараланган 30 лойиҳа соҳибига Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган ҳолда имтиёзли кредит ажратиш имконини берувчи махсус сертификатлар топширилди. 10 истиқболли бизнес-режа соҳиби танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

● Навоий шаҳрида "Янги ҳаёт" савдо мажмуаси иш бошлади. Тадбиркор Абдукарим Саксонов аҳолига қулайлик яратиш, намунали савдо хизмати кўрсатиш мақсадида тижорат банкидан олинган қарийб 10 миллиард сўмлик кредит ва шахсий маблағи эвазига замонавий савдо мажмуаси барпо этди. Бу ерда 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Уларнинг асосий қисми касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир.

● Кармана туманида "Фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ишини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш тартиб-тамойиллари" мавзусида ҳудудий ўқув-семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Мексикага "Эрл" тропик бўронининг хуружи натижасида ер кўчкиси рўй бериб, камида 40 киши ҳалок бўлди.

● Хитой янги авлод коммуникация тармоғининг ажралмас бўлагига айланувчи сунъий йўлдошни коинотга учиришни режалаштирмоқда. Сунъий йўлдош шу ойда оғирлиги 660 килограммлик қурилма ёрдамида орбитага олиб чиқилгач олимларга фазодаги илк квант тадқиқотларни ўтказиш учун имкон туғилади. Бу эса квант фазовий интернетнинг яратилишининг дастлабки қадами бўлиши мумкин.

● Шимолий Атлантикага сузиб бораётган кит йўлдан адашиб, Италиянинг Венеция шаҳрига келиб қолди. Бу ерда у бир нечта қайиқни ағдарди, қайиқчилардан бири эса чўкиб кетди. Бу воқеа Венеция тарихидаги кит билан боғлиқ иккинчи ҳодисадир.

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ МУҲОФАЗАСИГА ОИД ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари муҳофаза этиладиган тарихий ёдгорликлар сифатида, Наврўз халқ байрами, Катта ашула, Шашмақом, Аския номоддий маданий мерос объектлари сифатида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги қарори билан тасдиқланган Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича 2010-2020 йилларга мўлжалланган давлат дастурини амалга оширишда масъул ташкилот сифатида иштирок этмоқда.

Парламент эшитувида депутатлар маданий мерос объектларини инвентаризациядан ўтказиш, паспортларини тайёрлаш, уларнинг чегараларини белгилаш, уларни муҳофаза қилиш, реставрация қилиш, ўрганиш ва тарғиб қилиш масалаларида ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигига эътибор қаратди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан маданий мерос объектларини аниқлаш ва ҳисобга олиш ишларини яхшилаш талаб этилиши, музейлар, архивлар, қутубхоналарда ва бошқа жойларда сақланаётган, маданий мерос объекти белгиларига эга бўлган экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатларининг тўлиқ тоифалаштирилган рўйхатини тузиш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Парламент эшитувида сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлик гуруҳи ўзларининг дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, муҳокама этилаётган масала юзасидан нуқтаи назарларини баён қилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар мавжуд моддий маданий мерос объектларини асраш чора-тадбирларини амалга ошириш, уларни консервациялаш, тузатиш, таъмирлаш, фойдаланишга мослаштириш ва келажак авлодга етказишда жамоатчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этишига урғу берди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари мутасадди ташкилотлар томонидан моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрининг юритилишини якунига етказишни тезлаштириш, музейлар, архивлар, кутубхоналар ва бошқа сақлаш жойларидаги мавжуд маданий мерос бойликларининг умумий рўйхатини тузиш, уларни кадастр рўйхатига киритиш ишларини амалга ошириш, Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига ва Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига мамлакатимиздаги янги маданий мерос объектларининг киритилиши юзасидан стратегик аҳамиятга эга бўлган аниқ чора-тадбирлар кўрилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш борасида амалга оширилган ишларни қайд этган ҳолда маданий соҳадаги ислоҳотлар бой маданий ва номоддий меросимизни ёш авлод тарбиясининг муҳим воситаси сифатида фойдаланиш лозимлигига асосий эътиборни қаратди.

"Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари маданий мерос объектларига қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, қонуности ҳужжатларини ўз вақтида қабул қилиш ҳамда амалга оширишдаги муаммоларни бартараф этиш ҳақидаги фикрларни баён этди.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳи қадимий тарихий обидаларни, шу жумладан, меъморий обидаларнинг ёғочли конструкцияларини, ноёб кўҳна дарахтлар ва бошқа табиий обидаларни сақлаб қолишнинг экологик хавфсиз усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Парламент эшитуви якунлари бўйича мутасадди идораларга "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун ижроси самарадорлигини янада ошириш учун зарур бўлган қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ушбу қонун ижросини таъминлашда парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш юзасидан таклиф ва тавсияларни ўз ичига олган қарор қабул қилинди.

(ЎзА)

ТИНЧЛИК — ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик барча соҳаларда эришаётган улкан ютуқларимиз, халқимиз фаровонлигининг юксалиб бораётгани, амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг бош омили бўлиб хизмат қилаётир. Бу юртимизда тинчлик, осойишталик ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратилгани самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан "Тинчлик – энг улуғ неъмат, уни асраш катта масъулият" мавзусида ташкил этилган анжуманда бу алоҳида таъкидланди. Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда истиқлол йилларида асрларга татигулик улкан ишлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилаётгани ҳар бир оиланинг орзу-интилишлари рўёбга чиқаётганида, одамларнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга муносабати юксалиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимиз тарихан қисқа даврда ўз кучи ва салоҳиятига таянган, тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир, изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган давлатга айлангани барчамизга ғурур-ифтихор бағишламоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол миллий ўзлигимиз ва маънавиятимизни, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш ва уларнинг бой меросини ўрганиш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича беқиёс имкониятлар берганини эътироф этишди. Улар шунингдек, мустақиллик бизни авлодларга ибрат ва намуна бўладиган буюк ишларни амалга оширишга, хусусан, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш имкониятини яратганлигини таъкидлашди.

Шубҳасиз Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ходим қалбида Ватанга муҳаббатни жойлаб, тараққиёт ҳамда тинчлик-осойишталик учун жонбозлик, фидойилик кўрсатишларини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Зеро, Ватанга муҳаббат бу халқимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳаёт фаровонлигини ошириш демакдир. Юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, Ватан тараққиёти ва унинг равнақи, Ўзбекистоннинг дунёда ҳеч бир мамлакатдан кам бўлмаслиги йўлида хизмат қилиш ички ишлар идоралари ходимларининг асосий вазифасидир.

Муаттар РЎЗИБОЕВА

МАДАНИЯТГА ЭЪТИБОР — МАЪНАВИЯТГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2016 йил биринчи ярим йиллик фаолиятига бағишланган ҳайъат мажлиси ўтказилди.

Маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий маданият ва санъатимизни равнақ топтириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар кўлами тобора ортаётганини таъкидлади.

2016 йилнинг олти ойи давомида театрлар 3 мингдан ортиқ спектакль намойиш этди. Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари томонидан 23,6 мингдан ортиқ маданий тадбир уюштирилди. Маданият муассасалари, маданият ва истироҳат боғлари, музейларда 42,7 мингта тадбир ва экскурсиялар ўтказилди. Уларда 13,3 миллион нафардан ортиқ аҳоли иштирок этди.

Андижон вилояти қўғирчоқ театри янги биносининг очилиши муносабати билан жорий йилнинг 1-5 июнь кунлари Андижон шаҳрида Ўзбекистон қўғирчоқ театрларининг X анъанавий кўрик-фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон давлат консерваториясида "Ёшлик баҳори" ёш опера ижрочиларининг кўрик-фестивали ташкил этилди.

"Ниҳол" мукофоти танловининг туман (шаҳар) саралаш босқичлари май ойи давомида мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида юқори савияда ўтказилди.

Йигирмадан ортиқ маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилиб, 74 тасида таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб маданият ва санъат намояндалари иштирокида ўтказилаётган "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуидаги тарғибот тадбирлари юртдошларимиз, айниқса, ёшларда катта таассурот уйғотмоқда. Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган "Универсиада – 2016" республика спорт мусобақалари минглаб ёшларнинг спортга бўлган меҳрини янада оширди.

Мажлисда театрлар фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш савиясини ошириш, спорт мактаблари фаолиятини янада яхшилаш, музейлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бошқа масалалар юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ҳудудий партия ташкилотлари, маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари иштирокида кенгайтирилган видеоконференция ўтказилди.

Партия қуйи ташкилотлари раҳбар ва ходимлари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этган ушбу йиғилишда мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги устувор вазифалар ҳамда партиянинг жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Унда партия раиси С.Турдиев ва бошқалар энг улуғ, энг азиз байрамни муносиб нишонлашда, жойлардаги тарғибот-ташвиқот ишларида жамиятимизнинг асосий таянчига айланиб бораётган мулкдорлар, яъни ўрта синфни жадал шакллантириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Партия ҳудудий кенгашлари томонидан аҳолининг кенг қатламлари ва электорат иштирокида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, партиянинг ёшлар ва аёллар қаноти томонидан "Мустақилликка менинг ҳиссам" шиори остида ёшлар форуми, "Ишбилармон талаба" ва "Ишбилармон аёл" каби республика кўрик-танловлар ўтказилаётганлиги ҳамда "Ёш тадбиркорлар ва фермерлар" республика форумига ҳам қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

— Бугун мамлакатимиз бўйлаб истиқлолимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ва тантанали нишонлаш йўлида кенг ва катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Атҳам Назирқулов. — Бу эса ҳар бир юртдошимиз қалбида энг улуғ, энг азиз байрамга муносиб ҳисса қўшишдек эзгу ният, интилиш борлигини кўрсатади. Парламент қуйи палатаси депутати ва O`zLiDeP вакили сифатида юртимизнинг қайси бир ҳудудига бормайлик, ҳар қадамда халқимизнинг буюк яратувчанлик салоҳияти намоён бўлаётгани, мамлакатимиз ўзининг иқтисодий ва интеллектуал тараққиёт йўлидан дадил одимлаётганини кўрамиз. Ватанимиз ва халқимизнинг чорак асрлик тарихида қадрли, унутилмас санага айланган, янги демократик давлат ва жамият барпо этиш даврини бошлаб берган мустақиллик байрамини ёруғ юз билан кутиб олиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Мазкур йиғилишда мустақилликка бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар, амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари яна бир бор сарҳисоб қилиниб, энг улуғ, энг азиз байрамимизни янада кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисда партиянинг Сайловолди платформаси ҳамда партиянинг 2016-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси, эришилган натижалар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Бугунги кунда энг кўп депутатлар сайланишига эришган O`zLiDeP сайловчиларнинг юксак ишончини оқлаш мақсадида дастурий вазифаларни сўзсиз ижросини таъминлаш, барча соҳаларни эркинлаштириш ва демократлаштириш соҳасидаги муҳим вазифаларни бажаришда фаол иштирок этиш, аҳоли турмуши даражасини юксалтириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракати йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этишни ўзининг бош мақсади этиб белгилади.

Шунингдек, мажлисда партия Ҳаракат дастурида белгилаб берилган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, хусусий мулк устуворлигини ва ҳимоясини таъминлаш; давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки даражасини танқидий қайта кўриб чиқиш, унда хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш; фермер хўжаликларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантириш; бизнес муҳитини яхшилаш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва бошқа устувор йўналишларда олиб борилаётган партиянинг амалий ишлари муҳокама қилинди.

Йиғилиш давомида Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси давлат бошқаруви органлари фаолияти, қабул қилинаётган қонунлар, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларининг сўзсиз ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш, тадбиркор ва фермерлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш, бу борада кучли депутатлик, парламент назоратини кенг йўлга қўйишда фаол иштирок этиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Қарор ва ижро

ТЕЖАМКОР ЛАМПАЛАР: ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ

Мамлакатимизда энергия тежайдиган симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлганларини тўплаш ва утилизация қилиш тизими яратилиб, уларнинг пластик, металл ва электрон қисмларини қайта ишлаш йўлга қўйилган. Бу жараёнга хорижий технология ва ускуналар қатори юртимизда яратилган янгиликлар ҳам жорий этилмоқда. Бу янги ишланмаларнинг айримлари четдан келтириладиган шундай технология ва ускуналарга қараганда самарали ва хавфсиздир.



Симобли лампаларни утилизация қилиш мураккаб технологик жараён бўлиб, унда замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқлари қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 июндаги "Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ва уларни утилизация қилишни ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2011 йил 21 сентябрдаги 266-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарорига мувофиқ, одамлар ва ҳайвонлар захарланишининг олдини олиш учун симоб ҳамда унинг бирикмаларини йўқотиш зарурлигини англатадиган "демеркуризациялаш", яъни зарарсизлантириш атамаси киритилди. Шу мақсадда энергия тежайдиган лампаларни утилизация қилиш жараёнига хавфли симобни зарарсизлантириш имконини берадиган мураккаб технологиялар жорий этилмоқда.

Мамлакатимизда энергия тежайдиган лампалардан фойдаланиш йил сайин кенгайиб бораётир. Лампаларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун уларни юртимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугунги кунда юртимизнинг беш корхонасида ишлаб чиқарилаётган кам энергия сарфловчи лампалар сифат жиҳатидан хорижда ишлаб чиқарилаётган шу турдаги маҳсулотлардан асло қолишмайди. Ушбу лампаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг хизмат қилиш муддати узоқ бўлиб, тўхтовсиз 8 минг соат ёниб туриши мумкин. Бу оддий чўғланма лампаларга нисбатан 8 марта кўпдир. Айни пайтда улар оддий чўғланма лампаларга нисбатан 4-5 маротаба кам энергия сарфлайди. Люминесцент лампалар ишлаб чиқаришда амальгама (симоб ва рухнинг шарсимон шаклидаги қоришмаси) қўлланилаётир. Ишлаб чиқариш ускунаси герметик тарзда, симобнинг ҳавога чиқиб кетиши ва очиқ сув ҳавзаларига тушишининг олдини олган ҳолда ишлайди.

"Neo Sun Light" масъулияти чекланган жамияти импорт ўрнини босадиган люминесценция лампалари ишлаб чиқарадиган юртимиздаги дастлабки корхоналардан биридир. Айни пайтда лойиҳа бўйича йилига 15 миллион дона лампа тайёрлаш қувватига эга ушбу корхонада саккиз турдаги лампа ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган лампалар сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лампа тайёрлашда фойдаланилаётган барча бутловчи қисмлар қатъий техник кўрикдан ўтказилади.

Корхонада замонавий технологиялар қўлланилаётгани боис, ишлаб чиқарилаётган энергия тежамкор лампалар кўзни толиқтирмайди, иссиқликни кам миқдорда ажратади. 90 фоизгача электр энергиясини тежайди. Уларнинг яна бир хусусияти экологик жиҳатдан зарарсизлигидир. Бу ишлаб чиқаришда барча санитария, экология мезонлари ва бошқа меъёрларга мос келадиган илғор услуб ва технологияларни қўллаш ҳисобидан таъминланмоқда.

Шунингдек, корхонада лампаларни утилизация қилиш йўлга қўйилган. Аксарият бутловчи қисмлар утилизация ва йўқ қилинадиган бошқа корхоналардан фарқли равишда бу ерда металл, пластик ва электрон қисмларга ажратилади. Демеркуризациялашдан сўнг лампанинг фақат шиша қисми бартараф этилади, қолган қисмлари такрорий фойдаланиш учун қайта ишланади.

Мамлакатимизда "Neo Sun Light"дан ташқари яна 9 корхонада симобли люминесцент лампалар утилизация қилинади. Жорий йилнинг биринчи ярмида 210 мингдан зиёд энергия тежамкор лампа утилизация қилинди.

"ASP Selta" масъулияти чекланган жамияти ўзининг демеркуризациялаш технологиясига эга ва люминесцент лампаларни утилизация қиладиган корхоналардан биридир.

Корхона директори ўринбосари Н.Раҳматуллаевнинг айтишича, бу ерда лампани утилизация қилиш жараёни симоб буғи ва бошқа хавфли моддаларнинг атмосферага чиқишининг олдини олиш имконини беради. 2016 йилнинг биринчи ярмида корхонада 100 мингдан ортиқ лампа утилизация қилинди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ерда фойдаланилаётган барча ускуна ва кимёвий реагентлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хулосасига кўра, "ASP Selta" масъулияти чекланган жамияти технологияси асосида демеркуризация маҳсулотлари тўртинчи тоифа саноат чиқиндилари сирасига киради ва инсон саломатлиги учун у қадар хавф солмайди.

Атроф-муҳит симобдан зарарланишининг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда ишлатиб бўлинган симобли лампаларни йиғиш ишлари билан утилизация ташкилотлари, лампа ишлаб чиқарган корхоналарнинг ўзи шуғулланиши, шунингдек, ушбу маҳсулотларни сотиш пунктлари орқали, маиший чиқиндиларни йиғиш пунктларида лампаларнинг синиши ва улар таркибидаги симобнинг ҳаво, сув ҳавзаларига, тупроққа ва озиқ-овқат маҳсулотларига тушишидан ҳимояланган ҳолда алоҳида идишлар ўрнатиш орқали амалга оширилиши белгиланган. Жорий йилда, масалан, Андижон вилоятида шундай лампаларни тўплайдиган 84 пункт ташкил этилди. Шунингдек, энергия тежамкор лампаларни утилизация қилишга топшираётган ташкилотлар сони йил сайин кўпаймоқда. Бу йил қарийб 500 корхона ва ташкилот ўз муддатини ўтаб бўлган люминесцент лампаларни топширди.

Мамлакатимиз аҳолиси ҳам ишлатиб бўлинган симобли лампаларни қайтариб топширишдан анча фойда кўрмоқда.

– Дастлабки энергия тежамкор лампани дугонамнинг маслаҳати билан 8 йил аввал сотиб олгандим, – дейди ЎзА мухбирига пойтахтимизда яшовчи Ш.Қобилова. – Ундан беш йил фойдаландим. Уйдаги барча чўғланма лампаларни энергия тежамкор лампалар билан алмаштирганимдан сўнг электр энергияси учун тўлов бир ярим баробар камайди. Бу йил муддатини ўтаб бўлган иккита лампа топшириб, тўртта сотиб олдим.

Энергия тежамкор лампаларни самарали утилизация қилиш атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, аҳоли саломатлиги ва Ватанимиз келажаги ҳақида қайғуриш демакдир.

Р.БОНДАРЧУК

Юртимизда ёшларни касбга йўналтириш бўйича самарали тизим яратилиб, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тартиби ишлаб чиқилган. Бу ёшларга касб-ҳунар коллежида ўқиш давомида иш топиш имконини бермоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

2015-2016 ўқув йилида касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудуд бўйича тегишли манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Касб-ҳунар коллежларининг 468,9 минг битирувчиси билан тўрт томонлама – "коллеж – корхона – битирувчи – ҳоким" шартномалар тузилиб, кейинчалик иш билан таъминлаш мақсадида амалиёт ўташи учун улар 222 мингта корхона ва ташкилотга бириктирилди.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига талаб юқори. Пойтахтимиздаги "Alamhan Textile" масъулияти чекланган жамияти директори Аҳадхон Узоқовнинг сўзларига кўра, коллеж ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиёти иш берувчига нафақат бўлажак ходим салоҳиятини баҳолаш, балки унга ишга қабул қилингунга қадар иш кўникмасини ўргатиш имконини беради.

"Alamhan Textile" жамияти 2014 йилда ташкил этилган бўлиб, турли болалар кийимлари тайёрлашга ихтисослашган. Болалар кийимларини тайёрлаш жараёни катталарникидан тубдан фарқ қилади. Болалар учун мўлжалланган кийим-кечаклар нафақат чиройли ва бежирим, балки қулай ва хавфсиз бўлиши учун мато ва бичим хусусиятларини яхши биладиган юқори малакали мутахассислар зарур. Бугунги кунда корхонанинг замонавий тикиш цехларида 21 ходим меҳнат қилмоқда. Улар орасида ишлаб чиқариш амалиётини ўтагандан сўнг шу ерда ишлаш учун қолган коллеж битирувчилари ҳам бор.

...Нилуфар Мавлонова ҳар куни ишга барвақт келади. Иш куни бошлангунига қадар, цех устаси сифатида кеча тикилган кийимлар бичимининг сифатини, ҳар бир чоки стандартларга мос келишини текширади.

– Дастлабки кўйлакни ўн бир йил аввал тикканман, – дейди Н.Мавлонова. – Кўйлак чоклари нотекис ва кўнгилдагидек чиқмаган эди. Ўшанда либослар бичими устида пухта ишлаш кераклигини англаб етдим. Мактабни битиргач, Тошкент қурилиш ва миллий ҳунар касб-ҳунар коллежида либослар модельер-конструктори йўналиши бўйича ўқидим. Ишлаб чиқариш амалиётини "Alamhan Textile" масъулияти чекланган жамиятида ўтадим ва мени бир неча тажрибали мутахассисга бириктиришди. Уларнинг ҳар бири менга ўз йўналиши бўйича маслаҳат берди. Амалиёт пайтида либос бичимини тайёрлаш ва моделлаштириш, тайёр андазалар асосида тикиш ва янги моделлар учун андазалар тайёрлашни ўргандим. Амалиёт ниҳоясига етгандан сўнг корхонада тикувчи бўлиб ишга қолишни таклиф этишди. Олти ой ўтгач тикувчилик цехи бошлиғи бўлдим.

"Alamhan Textile" масъулияти чекланган жамиятида ҳар йили Тошкент қурилиш ва миллий ҳунар касб-ҳунар коллежининг 10 нафар ўқувчиси ишлаб чиқариш амалиётини ўтайди.

– Коллежимиз 2000 йилда ташкил этилган, – дейди коллеж директори Шуҳрат Иноятов. – Коллеж биноси лойиҳаси таълим жараёнининг ўзига хос жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда тайёрланди ва барпо этилди. Барча ўқув хоналари, лаборатория ва устахоналар замонавий техника, компьютер, асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Коллежда ўқувчилар ишлаб чиқилган ўқув дастурларига мувофиқ заргар, ёғоч ўймакорлиги, либослар модельер-конструктори, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, газ таъминоти ва иситиш тизимларини таъмирлаш ва монтаж қилиш устаси, дурадгор, қурувчилик, бухгалтерия каби 10 йўналиш бўйича ўқитилмоқда.

Коллежнинг 15 ишлаб чиқариш устахонасида иш жараёнида қўлланиладиган барча асбоб-ускуналар – ёғочга ишлов берадиган турли дастгоҳлар, бетон ва қоришма қоргичлар, қуруқ қурилиш аралашмалари учун электр мосламаси, тўлиқ жиҳозланган тикувчилик цехи ва икки турдаги қурилиш крани мавжуд.

– Ишлаб чиқариш устахонаси бўлажак мутахассисларни тайёрлашда муҳим ўрин тутади, – дейди ЎзА мухбирига коллежнинг катта ишлаб чиқариш устаси Исмоил Жўраев. – Биз ўқувчиларнинг нафақат назарий билимини амалиётда мустаҳкамлаш, балки уларда меҳнат ва ишлаб чиқариш маданиятини шакллантириш, интизом, масъулият ҳиссини оширишга ёрдам беришимиз зарур. 28 ишлаб чиқариш устаси ўқувчиларга сабоқ бермоқда. Бундан ташқари, усталар амалиёт пайтида ўқувчиларга ўз ёрдами ва маслаҳатини беради, улар амалиётни ўтаётган корхоналарга бориб, яратилган шароитлар билан танишади.

Жорий йилда коллежни 339 ўқувчи битирди ва уларнинг 250 нафари иш билан таъминланди. Битирувчиларнинг 202 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди. Бу улар эгаллаган касбга талаб юқорилиги ва истиқболли эканидан далолат беради.

Мамлакатимизда коллеж ўқувчиларининг талаб юқори бўлган касбларни эгаллаши учун салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса уларга ўз салоҳиятини намоён этиш, танлаган касби бўйича ишга жойлашиш имконини бермоқда.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ СОҒЛИГИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Маълумки, мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ва самарадорлигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, замон талабларига мос малакали тиббий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Юртимизда замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали тиббий хизмат кўрсатадиган 10 га яқин ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолият юритмоқда. Маълумот сифатида айтганда, бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида 2994 та ҚВП ва 110 та ОПларда 10 минг нафар шифокорлар ва 350 мингдан зиёд патронаж ҳамширалар аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатмоқда.

Республика Президентининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида туғруқ ёшидаги аёллардаги репродуктив саломатлик профилактикаси ҳамда болаларнинг аллергия, ошқозон-ичак хасталиклари диагностикаси борасида бир қатор муҳим вазифалар белгиланган.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олмазор тумани Кенгаши ҳамкорликда мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Регистон" тантаналар мажмуасида эҳтиёжманд оилалар вакиллари бўлган аёллар ва болаларни чуқур тиббий кўрикдан ўтказишни ташкиллаштириш мақсадида хайрия байрам тадбирини ўтказди.

Тадбирда хотин-қизлар қўмитаси ва партия фаоллари, тиббиёт соҳасининг малакали вакиллари, ОАВ ходимлари иштирокида 50 нафарга яқин аёллар ва болаларга Европа давлатларидан келтирилган юқори сифатли тиббий диагностика реактивлари воситасида кўрикдан ўтишларини кафолатловчи 25 миллион сўм қийматга эга сертификатлар топширилди.

— Хайрия тадбирига 50 нафар эҳтиёжманд аёллар ва болажонларни дастурхон атрофига чорлаб, бир пиёла чой устида суҳбат қуриб, уларга бепул текширувни кафолатловчи сертификат топширдик, — дейди ЎзЛиДеП Олмазор тумани Кенгаши раиси, "Ғунчамед" хусусий клиникаси раҳбари Раъно Ходжимуҳамедова. — Уни қўлга киритганлар Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги Аллергология маркази, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва бошқа 10 га яқин марказлар билан ҳамкорликда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади.

Тадбирда сўз олганлар юртимизда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар ўз самарасини бераётганлиги ҳақида сўз юритишди.

Таниқли санъаткорлар ижросидаги қуй-қўшиқлар тадбирга ўзгача шукуҳ бағишлади.

Қ.ЗОКИРОВ
К.Ўлмасов олган сурат

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ РИВОЖЛАНМОҚДА

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида мамлакатимиз ва Европа Иттифоқининг "Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим" қўшма лойиҳаси ижроси доирасида эришилган натижаларга бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори В.Алимова, "Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим" лойиҳаси раҳбари, халқаро эксперт С.Алишаускиене ва бошқалар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида алоҳида эҳтиёжли болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга тиббий, психологик ва педагогик ёрдам кўрсатиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий база яратилгани ва такомиллаштирилаётганини таъкидлади. 2004 йилда ташкил этилган Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ушбу соҳада амалга оширилаётган дастур ва лойиҳаларнинг фаол иштирокчиларидан биридир. Ўтган давр мобайнида марказ томонидан 11 минг нафардан зиёд болага зарур тиббий-ижтимоий, ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдами кўрсатилди.

Лойиҳа доирасида 800 нафардан ортиқ алоҳида эҳтиёжли бола умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларига бириктирилгани қайд этилди. Уларга инклюзив таълим бўйича ўқув курсини тамомлаган малакали педагоглар сабоқ бермоқда. Тошкент, Самарқанд, Наманган, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида 5 тажриба-ресурс маркази ҳамда 30 тажриба мактаби ва мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Марказнинг Тошкент вилояти бўйича ҳудудий эксперти Д.Тўлаганованинг таъкидлашича, инклюзив таълимни ривожлантиришда ресурс марказлари муҳим ўрин тутади. Марказлар мутахассислари тажриба мактаби ва мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини мониторинг қилиш, ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштириши ва хулқини баҳолаш, услубий маслаҳат ёрдами кўрсатиш, керакли босма ва услубий қўлланмалар тарқатиш мақсадида мазкур муассасаларга бориб, учрашувлар ўтказмоқда.

Тадбирда экспертлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

М.ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

ДОРИЛОМОН КУНЛАР НАШИДАСИ

Беихтиёр кўз ўнгингизда шундай манзара ястанади: бугун дунёнинг дунёлигича сақлаб туришнинг ўзида қанча ғулувлару хавотирлар бор. Одамзот осмондан тушган фаришта эмас. Ҳамма нарсани ўз ўлчовлари, тасаввур андазасига солади. Ўзига зарур қонуниятда биров – тош, биров – гул. Оқибатда, афсуски, кўҳна заминнинг қай бурчидадир ҳамон сохтасийқа, ахборот ҳуружлари, пуч ғоялар учун курашлар тўхтамаган, ғирромлик ва фитналар содир этилмоқда. Мол-дунё, мансаб-мартаба, гиёҳвандлик, мудҳиш терроризм, экстремизм балоси одамзодни эзгуликлар манзилидан олислатишга уринмоқда.

Ҳаёт ҳам аслида инсон учун бамисоли бир сафар. Йўлда эса йўлдошлар ҳар хил бўлади. Узоқ сафар давомида бошқалардан қалбини ярадор қилмаслик учун ҳушёрликка, сергакликка, дахлдорликка чорлайди. Бугун огоҳлик давр талабига айланиб бўлган экан инсон узоқни, келажак авлодларни, уларнинг осойишта, бахтиёр яшашларини кўзлаб, эзгуликка ишонч билан интилишида юрак қўридаги чўғни сўндирмаслиги зарур.

Шукроналар бўлсинким, Мустақил Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик, халқимиз бунёдкорлик, яратувчилик, изланиш билан банд. Мустақиллигининг йигирма беш йиллигини нишонлаш арафасида турган жонажон Ватанимизда дориломон кунларни қадрига етиш, нондек азиз бўлган осойишталикни сақлашда бефарқ бўлмасдан уни ҳимоя қилиш, ҳамиша огоҳ бўлиш ҳар бир ватандошимизнинг инсоний вазифаси эканлиги уларнинг онгига мангу битикдек муҳрланиши айни муддао. Шу юртда ота-онанг, фарзандларинг, бошқа яқинларинг эминэркин яшаётганларидан ўзни тоғдек улуғвор ҳис этасан. Ҳалол хизматинг, меҳнатинг билан мамлакат тараққиётига озгина, мисқолча қўшаётган ҳиссанг бор экан келажак бахт, иқболинг шубҳасиз ойдин, офтобли бўлажак. Истиқболда яна не-не парвозлар, уфқлар қутмоқда. Шижоат ўша-ўша шаҳдам, мардона.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар ҳамда фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар сингари Ички ишлар вазирлиги ва унинг тизимларида республика миқёсида турли профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Тадбирларни самарали ташкил этиш мақсадида вазирликнинг Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш, Патруль пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, Ёнғин, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармалари, Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, Республика "Кўриқлаш" Бирлашмаси ва бошқа хизматларнинг тажрибали ходимлари томонидан тегишли ташкилий профилактик ишлар амалга оширилмоқда.

Шундай профилактик тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспортдаги ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларида ҳам йўлга қўйилган. Профилактик тадбирларнинг таъсир чораларини кучайтириш мақсадида мазкур тадбирларга давлат бошқарув органлари ва кенг жамоатчилик вакилларини жалб этиш, ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш кўрсатилган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари, ташкилотлар, таълим муассасаларига ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат ташкилотларига ички ишлар органлари билан биргаликда бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгиланган.

Асосий мақсад она диёримизда осойишталиги, барқарорликни таъминлаш. Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш ва уни кўтаринки руҳда, юқори савияда ўтказиш, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада яхшилаш, милиция таянч пунктларида жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни "иссиқ изида" фош этиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигига оид тартиб-қоидаларга амал қилинишини, ҳудудлардаги жойлашувдан келиб чиқиб доимо сергак, ҳар қандай вазиятга шай ҳолатда олиб боришларини доимий равишда таъминлаш.

Бир сўз билан айтганда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир соҳавий хизмат ходимларининг ўз вазифаси ва ўрни, масъулияти бор. Ватан тинчлиги, эл-юрт осойишталиги, унинг ҳимояси учун туну кун, ёзнинг жазирамасида, қишнинг қаҳратон совуғида, қорда, жалада, дала-ю тоғда хизмат қилаётган мард, жасур, фидойи ходимлар "халқимиз туяётган осойишталик завқи" замирида ватанпарварлик туйғуси, қатъият, мустаҳкам ирода, билим, етук касбий тайёргарлик, уйқусиз тунлар, мардлик, фидойилик мужассам эканлигини, мустақил юрт осойишталигига керак бўлса энг азиз жонини хатарга қўйиш билан эришилишини чуқур англайдилар.

Назаримизда асл инсоннинг нияти ҳам инсоний бўлади, келажакда эзгуликка чорловчи ниятлар қилади. Тўғри, ер юзида яхшилик деб яшайдиган яхши инсонлар кўп, бироқ уларнинг ичида ҳалол, содда инсонларни тўғри йўлдан оғдирувчилар, "адашганлар" ҳам борлиги ҳақиқат. "...Аксарият одамлар, — деб ёзган эди дунёнинг таниқли ёзувчиларидан бири, — жавобгарликни чуқур англамаган ҳолда яшайди, менимча, барча кулфатларнинг илдизи шунда". Масъулият, жавобгарликни сезмаган, мустақил фикрга эга бўлмаган, бир ишни бошидан тутмаган кимсалар ўзгаларнинг бошқарувида алал оқибат ўзлигини бой берадилар.

Салқин оқшомлар юртнинг ёқимли шабадаси эсиб турганда жажжи, шўх-шодон, ширин-шакар фарзандлар, набиралар, оила билан чароғон маҳалла, кўча, хиёбонларни сайр этиб, яхши ниятлар билан муҳташам тўйхоналарда элга тўкин дастурхон ёзиб, чиройли тўй-тантаналарни хотиржамликда ўтказиб, эртасига шинам, сувлар сепилган ҳовлида бир пиёла чой устида ота-онанинг табуррук дуоларини олганда, кечагина янги замонавий уйга кўчиб ўтганда, фарзандингиз олий ўқув юртини битириб келиб дипломи билан қаршингизда турганда, ўзимизда ишлаб чиқарилган яп-янги автомобили кенг-равон йўлларда елдириб бораётганда, дўсту улфатлар билан сўлим гўшаларда гап-гаштакда мириқиб дам олаётган лаҳзаларда ва юртнинг бошқа шундай бахтиёр манзараларига гувоҳ бўлганингизда осойишталик қадри кўз олдингизга келади.

Нечукким, баъзида одамзод ҳар қандай тинчлик-осойишталик, бойлик ғойибдан эмас, меҳнатдан барпо этилишини, "зарбоф тўн кийиб, бировга муте бўлгандан кўра, эски чопон билан тупроқда осойишта ўтирган афзал"лигини (Алишер Навоий) тушуниб етмаслиги кишини ўйлантиради.

Муҳими, яхшиларга ёндошган кам бўлмайди. Бугун Мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида турган шу мафтункор юртимизда яшаётган ҳар бир ватандошимизнинг ниятида Ватанимизда тинчлик-осойишталикнинг бардавом бўлиши доимий хоҳиши, тилаги, истаги. Бунга ички ишлар органлари ходимлари билан биргаликда барча фуқароларимиз ҳам бирдек масъул, ҳамкор, ҳамфикр бўлишлари уларни навбатдаги тарихий босқичларнинг салмоқли пиллапоялари сари етаклайди.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ,
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ходими

Тошкент шаҳрида 2016/2017 йил куз-қиш мавсуми олдидан газ тақсимлаш тармоқларини реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Пойтахтимиз кўчаларидаги йирик газ тармоқлари эски металл газ қувурлари ичига янги полиэтилен қувурлар жойлаштириш имконини берадиган замонавий технологиялар ёрдамида таъмирланмоқда.

Қишга тайёргарлик – долзарб вазифа

ҚИШДА ГАЗ ТАЪМИНОТИ БАРҚАРОР БЎЛАДИ

Президентимизнинг 2016 йил 10 июндаги Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни 2016-2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

"Тошкентгазтаъминот" унитар корхонасининг "Тошкентшаҳаргаз" филиалидан маълум қилишларича, газ таъминоти тизимини таъмирлаш ва реконструкция қилиш бу йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг муҳим жиҳатларидан. Шаҳарда кенг кўламли қурилиш ишлари олиб борилаётган бугунги кунда турли муҳандислик-коммуникация тизимининг жойлашуви, транспорт воситаларининг серқатновлиги ҳисобга олиниши лозим. Кўпинча бу ер ости газ қувурларини реконструкция қилиш ва алмаштиришнинг анъанавий усулларидан фойдаланишда муайян муаммоларни юзага келтиради ва уларни ҳал қилиш учун замонавий технологияларни қўллаш талаб этилади. Жорий йилда 18,4 километр газ қувурини капитал таъмирлаш режалаштирилган. Ер ости газ қувурларини таъмирлашда полиэтилен қувурлар тортишнинг замонавий "қувур ичида қувур" технологиясидан фойдаланилмоқда. Маблағ ва вақтни тежаш имконини берадиган ушбу технологиянинг афзаллиги шундаки, реконструкция қилинаётган эски металл қувур ичига полиэтилен қувур жойлаштирилади.

Газ назорати пунктлари газ таъминоти тизимининг муҳим бўғинларидан биридир. Ҳозирги кунда пойтахтимиздаги ўрта ва юқори босимли 1,5 минг газ назорати пунктида текшириш ва профилактика ишлари якунланди. Ўтган йилнинг куз-қиш мавсумида айрим маҳаллаларда газ қувурларида босимнинг пастлиги билан боғлиқ муаммолар юзага келган эди. Уларни ҳал қилиш мақсадида қўшимча газ назорати пунктлари ўрнатиш ва янги қувурлар ўтказиш ишлари бажарилмоқда.

Аҳолининг газ таъминоти бўйича шикоятлари техник кенгашда кўриб чиқилмоқда. Жорий йилда аҳолидан келиб тушган аризалар ўрганилиб, газ ускуналари техник текширувдан ўтказилгач, Миробод туманидаги Шаҳрисабз ва Ойбек кўчасидан ўтадиган 1,5 километрлик газ қувурини реконструкция қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

– Ўтган йили совуқ кунлар бошланиши билан газ босими кескин пасайиб кетган эди, – дейди пойтахтимизда истиқомат қилувчи А.Турдиев. – Маҳалламиз фуқаролари "Тошкентшаҳаргаз" филиалига расмий мурожаат жўнатганидан сўнг мутахассислар келиб, газ қувурлари ҳолатини текширувдан ўтказди ва қувурлардаги ҳаводан намуна олди. Улар маҳалламиз уланган газ қувури тўлиқ алмаштирилиши лозимлигини айтди. Тез орада барча зарур ишлар амалга оширилди.

Шаҳардаги газ қувурларининг мустаҳкамлиги ва иш қобилиятини текшириш ишлари якунланди. Ер ости газ қувурлари хизматининг замонавий ускуналар билан жиҳозланган мобиль лаборатория хизмати ёрдамида 870 километрлик газ тармоғи текширувдан ўтказилди. Аниқланган барча носозликлар тезкорлик билан бартараф этилиб, 60 километрга яқин ер ости газ қувури қайта тикланди.

Табиий газдан оқилона фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир дастур ишлаб чиқилди. Ресурсларни тежаш мақсадида замонавий тежамкор электрон газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатилмоқда. Эски иситиш қозонлари янгиларига алмаштирилмоқда.

Ер ости қувурлари хизмати носозликларни аниқлаш ва бартараф этиш ишлари билан шуғулланмоқда. Жадвалга мувофиқ, қудуқларнинг газ билан тўйиниш даражаси ўлчаниб, газ таъминоти трассалари кўриб чиқилмоқда. Носозликлар ва газ сирқиб чиқиши аниқланган жойларда таъмирлаш ишлари олиб борилаётир. Бундан ташқари, ҳар бир тумандаги авария хизмати туну кун аҳолидан ариза қабул қилиб, ер ости газ қувурлари ҳамда истеъмолчиларнинг ўлчов приборларини таъмирлайди.

– Ёпиқ жойда газ чиқиш ҳолатини сезиш осон, лекин кўчада бундай ҳолатни аниқлаш анча қийин, – дейди Мирзо Улуғбек тумани авария-диспетчерлик хизмати муҳандиси Г.Акопян. – Бунинг учун биз ер ости газ қувурларини махсус ускуна ёрдамида текширамиз ва бу ҳар қандай носозликни аниқлаш имконини беради. Бу борада ҳамшаҳарларимиз ҳам бизга кўмаклашмоқда. Масалан, чуқурликдан кўтарилаётган газ пуфакчалари ёки сабабсиз қорайган қор ва ис гази чиқиш ҳолатлари ҳақида мунтазам телефон орқали маълум қилиб туришади. Биз у ерга зудлик билан мутахассисларни жўнатиб, камчиликларни бартараф этамиз.

Куз-қиш мавсумига ўз вақтида ва пухта тайёргарлик кўриш пойтахтимиз газ таъминоти тизимининг барқарор ишлаши, истеъмолчиларга табиий газни узлуксиз етказиб бериш кафолатидир.

(ЎзА)

Спорт янгиликлари

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Кўкка қадагаймиз Ватан байроғин!" шиори остида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокида тадбир ўтказилди.

КЎККА ҚАДАГАЙМИЗ ВАТАН БАЙРОҒИН!


Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар самарасида хотин-қизлар ўртасида спорт кенг оммалашаётгани таъкидланди. Юртимизнинг барча ҳудудларида бунёд этилган замонавий спорт иншоотларида ўғил-қизлар спортнинг кўплаб турлари билан шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда.

Соғлом она ва бола йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Қизларни спортга кенг жалб этиш, аёл мураббиялар меҳнатини рағбатлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилаётир.

Бугунги кунда мамлакатимизда спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сони уч миллиондан ошди. Қизларнинг спорт соҳасида эришган ютуқлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Қизларимиз халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган улкан ғалабалари орқали мамлакатимиз ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини бутун дунёга исботламоқда.

Истеъдодли қизларни рағбатлантириш мақсадида 1999 йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган эди. Ҳозирга қадар 240 нафар қиз ушбу мукофотга лойиқ кўрилган. Уларнинг 44 нафари спортнинг турли йўналишларида эришган юксак ғалабалари учун бу мукофотга сазовор бўлган.

Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

– Халқаро майдондаги нуфузли спорт мусобақаларида Ватан шарафини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир спортчининг орзуси, – дейди ЎзА мухбирига таэквондо (ITF) бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони Дилбар Холжигитова. – Мустақиллик йилларида спортни ривожлантириш, айниқса, қизларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлаш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик туфайли ана шундай бахтга муяссар бўлдик. Жаҳон спорт ареналарида Ватанимиз байроғини янада баланд кўтариш учун бор куч-ғайратимизни сафарбар этамиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ

УЧРАШУВНИ ЯПОНИЯЛИК ҲАКАМ БОШҚАРАДИ

Футбол бўйича Россияда бўлиб ўтадиган 2018 йилги жаҳон чемпионати саралашининг учинчи босқичи доирасидаги Ўзбекистон миллий терма жамоасининг дастлабки учрашувини япониялик ҳакамлар бригадаси бошқариб боради.

Самвел Бабаян мураббийлик қилаётган бош жамоамиз саралашнинг учинчи босқичини 1 сентябрь куни Тошкентдаги "Бунёдкор" стадионида Сурияга қарши ўйин билан бошлайди. Ушбу ўйинни бошқариб бориш учун ФИФА томонидан япониялик ҳакамлар гуруҳи тайинланган.

Беллашув бош ҳаками сифатида ФИФА рефериси Сато Рюжи иш олиб борса, унга қанотларда ватандошлари Тору Сагара ҳамда Хироши Ямаучи ёрдам беради. Ҳакамлар назоратчиси сифатида – баҳрайнлик Абдулраҳмон Алделавар ишлайди.

Таъкидлаш керакки, учинчи саралаш босқичига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси навбатдаги йиғинни шу йилнинг 20 август куни бошлайди.

"Локомотив" жамоасининг 2006 йилда туғилган ёш футболчилари Латвиянинг Лиепая шаҳрига "Dobrecova Cup 2016" мусобақасида иштирок этиш учун учиб кетади.

"ЛОКОМОТИВ" ЛАТВИЯГА ЙЎЛ ОЛДИ

2010 йилдан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу мусобақага бу йил Эркин Саидов бошчилик қилаётган "Локомотив" футбол мактаби ҳам таклифнома олди. Латвияда бўлиб ўтадиган мусобақа "Темирйўлчилар" футбол мактаби тарбияланувчилари учун тажриба тўплашда катта ёрдам беради. Бунга қадар ёш чарм тўп усталари Туркия, Россия, Корея давлатларида бўлиб ўтган турнирларда ҳам фахрли ўринларни олиб юртимизга қайтишган.

"Dobrecova Cup 2016" мусобақасида Ўзбекистондан "Локомотив", Латвиянинг кучли 13 та жамоаси, Литва, Белоруссия, Польша, Эстония, Россия клублари иштирок этадилар.

Футзал бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Колумбияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига тайёргарликни режа асосида босқичма-босқич олиб бормоқда.

НАВБАТДАГИ ЙИҒИН БОШЛАНДИ

Шу мақсадда, Хосе Мария Мендез бошчилигидаги жамоамиз навбатдаги йиғинга киришди. Терма жамоа мураббийлар штаби ушбу йиғинга 20 нафар футзалчини чақирган. Машғулотлар ҳар куни икки маҳалдан ўтказилмоқда. Йиғин якунида, яъни 9 ва 10 август кунлари Олма-ота шаҳрида Қозоғистон терма жамоаси билан иккита ўртоқлик учрашуви ҳам ўтказилади.

Бу сафарги йиғинга чақирилган футзалчилар билан тинишинг: дарвозабонлар — Рустам Умаров, Клим Тюгаев ("Олмалиқ"), Акмал Хазраткулов ("Дўстлик-AIN"), Шавкат Ибрагимов ("Ардус"), ўйинчилар — Жавлон Аноров, Константин Свиридов, Андрей Шлема, Мақсуд Файзуллаев, Жамолиддин Шарипов, Шуҳрат Тожибоев ("Олмалиқ"), Фарҳод Абдумавлонов, Артур Юнусов, Даврон Чориев, Дилшод Раҳматов, Илҳом Ҳамроев, Дилшод Ирсалиев, Нодир Элибоев ("Ардус"), Феруз Фахриддинов, Тоҳир Абдураззоқов ("Дўстлик-AIN"), Машраб Одилов ("Бунёдкор").

Ботир ХЎЖАЕВ

ЯНГИ ҚОИДАЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Жорий йилдан бошлаб футбол қоидаларига бир қатор ўзгаришлар киритилди.

Футбол ўйинининг янги қоидалари амалда қўлланила бошланди. Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан барча ёшдаги терма жамоалар мураббийлари, футболчилари иштирокида янги қоидаларни ўрганишга бағишланган семинарлар ташкил этилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги "Чиғатой" ўқув базасида уюштирилди. Унда иштирок этган 19 ёшгача бўлган чарм тўп усталаридан таркиб топган ёшлар терма жамоамиз мураббийларига, футболчиларга янги ўйин қоидалари ҳақида ФИФА рефериси Владислав Цейтлин маълумот берди.

Пойтахтимизнинг етакчи жамоаларидан бири "Бунёдкор" ҳимоячиси Анвар Ғофуров мамлакат XXV миллий чемпионати иккинчи даврасини бошқа жамоада ўтказади.

ТАЖРИБАЛИ ФУТБОЛЧИ ЖАМОАНИ ЎЗГАРТИРДИ

Гап шундаки, Александр Мочинов бош мураббийлигидаги "Обод" жамоаси иккинчи даврада сермазмун ўйин намойиш этиб, турнир жадвалининг қуйи поғонасидан юқорироқ поғонага ўтиб олишни режалаштиргани аниқ. Яқиндагина ўз сафига ҳужумчи Темур Ҳакимовни қўшиб олган "Обод" жамоаси яна бир фойдали трансферни амалга оширди. "Обод"нинг ҳимоя чизиғини мустаҳкамлаш мақсадида жамоага "Бунёдкор" клубининг тажрибали ҳимоячиси Анвар Ғофуров таклиф этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ёз – 2016

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш учун барча шароит яратилган. Ёзги таътил вақтида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва янги ўқув йилида фанларни чуқур ўзлаштириши учун уларнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси маълумотларига кўра, бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 1200 дан ортиқ болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган болалар турли спорт, маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этмоқда.

"Ўзавтосаноат" акциядорлик компаниясининг Бўстонлиқ туманидаги Қизил сув дарасида жойлашган "Лочин" оромгоҳи болаларнинг севимли масканларидан биридир.

– "Лочин"га икки йилдан буён келаман, – дейди 9 ёшли Самир Даминов. – Менга оромгоҳда ташкил этилаётган турли танловлар, спорт мусобақаларида иштирок этиш жуда ёқади. Бу ерда жисмоний жиҳатдан чиниқиш билан бирга янги дўстлар орттирмоқдамиз.

"Лочин"да юқори малакали педагоглар ўқув-тарбия ишларини самарали амалга оширмоқда. Оромгоҳда хавфсизликни таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари, ёнғин хавфсизлиги, коммунал хизмат, тиббиёт ходимлари ва энергетикларнинг туну кун навбатчилиги йўлга қўйилган. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, санитария ва гигиена талабларига мослиги ҳар куни назоратдан ўтказилади.

Кутубхона, маънавият хонаси, зарур инвентарлар билан жиҳозланган спорт майдончаси, сузиш ҳавзаси болалар ихтиёрида. Компьютер, инглиз тили, тасвирий санъат, дурадгорлик каби тўгараклар ишлаб турибди. Шунингдек, "Энг яхши қўшиқ", "Энг яхши рақс" танловлари, "Экология ва мен", "Ёшлар ва табиат" мавзусида учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ташкил этилган спартакиада болаларда катта таассурот қолдирди.

– Болалар спортнинг сузиш, футбол, волейбол, теннис, шашка ва шахмат турлари бўйича ўз истеъдодини намоён этди, арқон тортиш, қисқа ва ўрта масофага югуриш мусобақаларида ўзаро беллашди, – дейди оромгоҳ директори Собир Холиев. – Голиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, улар бошқа оромгоҳларда дам олаётган ўз тенгдошлари билан ҳам мусобақалашди.

Оромгоҳда айни пайтгача 3 мингдан зиёд бола дам олди, умуман, мавсум давомида 4 мингга яқин ўғил-қиз ҳордиқ чиқариб, ўз соғлиғини мустаҳкамлайди.

Ирина ДОЛЕНКО,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 апрелдаги 102-сонли ва 28 июндаги 215-сонли қарорлари ва "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ бошқарув қарори ҳамда "Тошкент трамвайи" УКнинг 2016 йил 5 августдаги 571-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулклари қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 57-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 19,7 минг кв.м, ер майдони 9,4 га бўлган бино ва иншоотлар. **Бошланғич баҳоси – 25 596 052 427 сўм.**

2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги Замон кўчаси, 86-уй манзилида жойлашган умумий майдони 1 370 кв.м, ер майдони 0,9 га бўлган бино ва иншоотлар. **Бошланғич баҳоси – 2 167 412 205 сўм 90 тийин.**

3. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги Қўйлиқ кўчаси, 40-уй манзилида жойлашган умумий майдони 7,2 минг кв.м, ер майдони 2,1 га бўлган бино ва иншоотлар. **Бошланғич баҳоси – 9 025 062 970 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 16 сентябрь куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2016 йил 14 сентябрь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк 2016 йил 16 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2016 йилнинг 3, 19 октябрь, 4, 21 ноябрь кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йилнинг 3 октябрдаги савдо учун 30 сентябрь куни, 19 октябрдаги савдо учун 17 октябрь куни, 4 ноябрдаги савдо учун 2 ноябрь куни, 21 ноябрдаги савдо учун 18 ноябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига 20 (йигирма) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулкнинг тўлиқ тўловини амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, СТИР:207122519 ҳ/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: (0371) 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "O`zbekiston Respublikasi Tovar-Xomashyo birjasi" АЖнинг 2016 йил 3 августдаги 05-17/2818-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтқўрғон КФЙ, "Текстильмашевец" БУШ, 31-А, 31-Б уй манзилида жойлашган, ер майдони 0,1284 га бўлган, ҳожатхона, ҳовуз, хизматчи бино, бостирма, қозонхоналардан иборат 2 қаватли яшаш уйи тақроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 540 365 562 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 29 август куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2016 йил 26 август куни соат 18:00.

Кўчмас мулк 2016 йил 29 август куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2016 йилнинг 14, 30 сентябрь, 17 октябрь ва 2 ноябрь кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йилнинг 14 сентябрдаги савдо учун 12 сентябрь куни, 30 сентябрдаги савдо учун 28 сентябрь куни, 17 октябрдаги савдо учун 14 октябрь куни, 2 ноябрдаги савдо учун 31 октябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига 10 (ўн) банк иш куни ичида сотувчи билан нотариал тартибда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулкнинг тўлиқ тўловини амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, СТИР:207122519 ҳ/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: (0371) 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **10 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 21-23, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **10 августда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ